

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

РАДЖАБОВА ГУЛЧЕХРА БАХОДИРОВНА

**ЯЛЛИҒЛАНИШНИНГ ИММУНОЛОГИК МАРКЕРЛАРИГА АСОСЛАНГАН
ТОКСИК ЖИГАР ЗАРАРЛАНИШЛАРИНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ ВА
ДИФФЕРЕНЦИАЛ ДИАГНОСТИКАСИ**

14.00.05 – Ички касалликлар
14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of Sciences (DSc)

Раджабова Гулчехра Баходировна

Яллиғланишнинг иммунологик маркерларига асосланган токсик жигар зарарланишларини комплекс баҳолаш ва дифференциал диагностикаси..... 3

Раджабова Гулчехра Баходировна

Комплексная оценка и дифференциальная диагностика токсических поражений печени с учетом иммунологических маркеров воспаления. 29

Radjabova Gulchekhra Bakhodirovna

Comprehensive assessment and differential diagnosis of toxic liver lesions based on immunological markers of inflammation..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published scientific works..... 58

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

РАДЖАБОВА ГУЛЧЕХРА БАХОДИРОВНА

**ЯЛЛИҒЛАНИШНИНГ ИММУНОЛОГИК МАРКЕРЛАРИГА АСОСЛАНГАН
ТОКСИК ЖИГАР ЗАРАРЛАНИШЛАРИНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ ВА
ДИФФЕРЕНЦИАЛ ДИАГНОСТИКАСИ**

14.00.05 – Ички касалликлар
14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.2.DSc/Tib131 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий консультантлар

Ганиева Шахзода Шавкат қизи
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Наврузова Шакар Истамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Абдуллаева Чарос Абдужалиловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рахимова Дилором Алимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Зурочка Александр Владимирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон қўчаси, 23 уй. Тел./факс: +99865 223-00-50; Веб-саҳифа: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон қўчаси, 23 уй. Тел./факс: +99865 223-00-50; Веб-саҳифа: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru.

Диссертация автореферати 2026 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2026 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Т. Ходжиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

Г.А. Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда жигар касалликлари, хусусан токсик гепатитларнинг барқарор ўсиши, даволаниш харажатларининг ошиши глобал тиббий ва ижтимоий муаммо бўлиб келмоқда. Тадқиқотлардаги замонавий ютуқлар яллиғланиш ва иммунитетнинг жигар касалликларида иштирок этиш механизмларини чуқурроқ тушунишга имкон беради ва кўплаб кузатувлар натижасида жигар зарарланишида иммун механизмлар аҳамиятини кўрсатди. Токсик жигар зарарланишини дифференциал ташхислашда ёрдам берадиган, гепатобилиар касалликларда, жигар фибрози, циррози ва етишмовчилигининг иммун-яллиғланиш маркерларини аниқлаш ва «...клиник натижаларнинг прогностик аҳамияти, хавф омилларини комплекс баҳорлашда мезон сифатида ишлатиладиган янги биомаркерларни ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади...»¹.

Жаҳон миқёсида жигар касалликлари шаклланишининг иммун механизмларини ўрганишга қаратилган кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Иммун яллиғланиш, ирсий мойиллик ва атерогенезнинг бошқа назарияларини ўрганиб чиққанда, цитокинлар ишлаб чиқариш даражасига таъсир қилувчи генларнинг ҳаддан ташқари экспрессияси иммун тизими воситачиларининг биокимёвий фаоллиги, адгезия молекулаларининг синтезланишига, моноцитлар/макрофаглар ва силлиқ мушак ҳужайраларининг семиз ҳужайраларга айланишига асосланган. Шунинг учун иммун реакциясининг «биринчи тўлқини» бўлган ўткир ва сурункали яллиғланиш жараёни цитокинлари иштирокидаги иммунопатогенетик механизмлар атеросклероз ва фибрознинг ривожланиши ва у билан боғлиқ жигар касалликлари патогенезини асословчи омиллар ҳисобланади.

Мамлакатимизда бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган тез тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва жигар етишмовчилиги келиб чиқишини олдини олиш, ҳамда асоратсиз даволашни оптималлаштириш бўйича кенг қўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш...»² га қаратилган муҳим вазифалар

¹ Еремина Е. Ю. Лекарственные поражения печени // ПМ. 2024. №1 (77). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/lekarstvennye-porazheniya-pecheni-2>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

қўйилди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш, ҳаёт сифатини ошириш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллаш усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация Тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Жигар касалликлари диагностикасининг турли усуллари самарадорлигини клиник ва патогенетик асослашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг қуйидаги илмий марказлари ва олий ўқув юртларида олиб борилмоқда: Karolinska Institute (Швеция), King's College London (Англия), University of Hong Kong (Гонконг), University of Michigan (АҚШ), University of Gothenburg (Швеция), Harvard University (АҚШ), University of Zurich (Швейцария), University of Bern (Швейцария), Tokyo Medical and Dental University (Япония), University of Melbourne (Австралия), Peking University (Хитой), Academic Medical Center University of Amsterdam (Нидерландия), Maastricht University Medical Center (Голландия), State University of New York (АҚШ), West Wales General Hospital (Буюк Британия), the University of Auckland (Янги Зеландия), Medanta hospital (Ҳиндистон), Первый Московский государственный медицинский университет имени И.М. Сеченова (Россия), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон).

Дунёда жигар касалликларининг клиник ва иммунологик ҳамда тиббий-ижтимоий жиҳатлари, эрта ташхис қўйиш ва жигар токсик касалликларининг турли даволаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича

³ www.xbmu.edu.cn, www.csu.edu.cn, www.unimeib.edu.au, www.hku.hk, www.otago.ac.nz, www.ucla.edu, www.allergic/en, www.aapd.org/, www.aaphd.org/, www.nidcr.nih.gov/research, www.nih.gov, www.mcmaster.ca, www.uchile.ci/english, www.scienceinstitute.in/, www.allergic.edu/

бир қатор илмий натижалар олинган: клиник ва иммунологик кўрсаткичлар жигар касалликларининг шаклланиши ва кечишида аниқланди (King's College London, Англия); Токсик гепатитларни турли хил комбинацияланган даволаш усуллари ёрдамида даволаш ва жигар етишмовчилигини олдини олиш тамойиллари ишлаб чиқилган (University of Gothenburg, Швеция); Медикаментоз ва алкоғолли жигар зарарланишларини даволашнинг турли самарали замонавий усуллари ишлаб чиқилган (Tokyo Medical and Dental University, Япония); Жигар касалликлари патогенезида иммун тизими аҳамияти ўрганилган ва замонавий диагностика усуллари ишлаб чиқилган (University of Bern, Швейцария).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Статистик маълумотларга кўра, дори воситалари билан боғлиқ жигар зарарланишлари гепатитларнинг турли этиологияларида учинчи ўринни эгаллайди – вирусли ва алкоғолли гепатитлардан кейин. Дори воситалари билан боғлиқ жигар зарарланиши барча дори воситалари нохуш таъсирларининг тахминан 10–11% (0,2 дан 20% гача) ни ташкил қилади. Беморларни дори воситаси билан боғлиқ жигар зарарланиши сабабли шифохонага ётқизиш ҳолатлари барча касалланиш ҳолатларининг 2–6% ни ташкил этади (Писарев А.А. 2024). Жигарнинг сурункали касалликларида (ЖСК) иммун бузилишлари механизмини қуйидагича тасвирлаш мумкин: зарарловчи агент (вирус, алкоғоль, дори ёки токсик моддалар) жигар ҳужайра мембраналарининг бутунлигини бузади ва жигарнинг махсус антиген тузилишини ўзгартиради, уни аутоантигенга айлантиради. Бу аутоантиген Т-зависим лимфоцитлар орқали жигарда кечиктирилган турдаги гиперсезувчанлик реакциясини, лимфо-макрофагал инфильтрацияни ва лобуляр некрозни келтириб чиқаради. Шу билан бирга, сенсibiliзация қилинган иммун лимфоцитлар антиген сақловчи тўқималарни шикастлайди. Янги носпецифик жигар антигенларининг чиқиши В-лимфоцитларни фаоллаштиради, улар гумораль иммунитетнинг асосий кўрсаткичларига жавоб беради. Алкоғолли жигар касалликларида иммун тизимининг ҳужайравий ва гумораль бўғинларида кетма-кет ўзгаришлар рўй беради, бу спиртнинг узоқ таъсири билан боғлиқ (Чибиева Л.Г., Гатилова М.И. 2017).

Марказий Осиё минтақавий патологияси муаммосида, хусусан Ўзбекистонда, инфекциян-аллергик ва токсик гепатит ҳамда циррозлар марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Бу муаммо айниқса долзарб аҳамият касб этади, чунки жигар циррози этиологиясида турли хил токсик-иллатлантирувчи таъсирлар, жумладан, ичак манбасидан келиб чиққан инфекциялар ҳам катта роль ўйнайди (Алимова Л.А., Бегманов С.А. 2025).

Жигар инсон организмга тушган деярли барча бегона моддаларнинг йўлидаги тўсиқ ҳисобланади. Турли йўллар орқали

организмга кириб келган гепатотоксик агентлар гепатоцитлар ҳужайра мембраналарининг тузилиши ва функциясини бузади, натижада “токсик гепатит” деб аталувчи ҳолат ривожланади — бу турли кимёвий моддалар ҳамда эндотоксинлар таъсирида юзага келадиган касалликларнинг энг кенг тарқалган турларидан биридир. Токсик гепатитнинг асосий этиологик сабаблари — алкоголь истеъмоли, гепатотоксик дори воситалари, заҳарли кимёвий моддалар, оғир эндотоксемия (куйиш касаллиги, перитонит, панкреонекроз) фонида юзага келадиган ҳолатлардир. Эрта босқичда аниқ диагностик мезонларнинг йўқлиги кеч ташхис қўйилишига, яъни жигар етишмовчилиги босқичидаги аниқланишга ва шунга мос равишда нотўғри медикаментоз коррекцияга олиб келади (Арипходжаева Г.З., Саидова М.К. 2020). Клиник токсикологияда ўткир алкоголь интоксикацияси деганда этил спирти маҳсулотлари билан заҳарланиш, коматоз ҳолат ривожланиши билан кечадиган патологик жараён тушунилади. Ўзбекистонда ҳам, бошқа МДХ давлатларида бўлгани каби, ўткир алкоголь заҳарланиши бўлган беморлар токсикология бўлимларига мурожаат қиладилар. Шундай беморларнинг кўпчилигида аҳволнинг оғирлашиши бир марталик алкоголь қабул қилиш билан эмас, балки спиртли ичимликларни узоқ муддатли суистеъмол қилиш билан боғлиқ бўлади (Акалаев Р.Н., Шарипова В.Х., Стопницкий А.А., Хожиев Х.Ш. 2020).

Юқорида қайд этилган ҳолатлар ушбу диссертация ишининг мақсади ва вазифаларини шакллантиришга имкон берган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институти илмий тадқиқот ишлари режаси асосида DSc №282 03.2026 «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш 2022-2026йй.» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади ёш беморларда токсик жигар зарарланишларини клиник-иммунологик баҳолаш ва дифференциал диагностика усулларини ишлаб чиқишдан иборат бўлган.

Тадқиқот вазифалари:

Бухоро вилоятида охириги 3 йилда (2022-2024) токсикологик касалликлар структурасини ўрганиш ва баҳолаш;

Алкоголли токсик жигар зарарланишларида клиник ва биокимёвий кўрсаткичлар, шунингдек руҳий-ижтимоий жиҳатларни баҳолаш;

Дори воситаларидан токсик жигар зарарланишларида клиник ва биокимёвий кўрсаткичлар, шунингдек руҳий-ижтимоий жиҳатларни баҳолаш;

Токсик жигар зарарланиши бўлган ёш беморларда иммунологик кўрсаткичларни ўрганиш ва клиник-иммунологик кўрсаткичлар билан

корреляцион таҳлил ўтказиш;

Токсик жигар зарарланишларини ташхислаш ва дифференциал диагностикаси клинко-иммунологик мезонлар концепциясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Бухоро вилоятида истиқомат қилувчи 182 нафар 19 дан 44 ёшгача бўлган ёш шахслар тадқиқотга жалб қилинган. Шулардан 142 нафари токсик жигар зарарланиши бўлган беморлар ва 40 нафар тасдиқланган жигар касалликлари бўлмаган (амалий соғлом) кишиларда клиник, функционал, инструментал ва иммунологик текширишлар ўтказилган.

Тадқиқот предметини периферик қон, биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар учун қон зардоби, жигарнинг функционал ва инструментал текширишлари натижалари ташкил этган.

Тадқиқот усуллари сифатида умумий клиник, биокимёвий, иммунологик, функционал, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

токсикологик касалланиш кўрсаткичларининг ўсиши ва дори воситалари билан боғлиқ интоксикациялар улушининг ортиши фонида жигарнинг токсик зарарланишларининг комплекс клиник-ижтимоий модели шакллантирилиб, ушбу касалликда соматик ўзгаришлар билан бир қаторда аниқ ифодаланган руҳий-ижтимоий бузилишлар кечиши, ҳамда патология ҳудуд учун муҳим тиббий-ижтимоий муаммо эканлиги асосланган;

алкоголли жигар ўткир зарарланиши тизимли клиник-биокимёвий ва иммун-яллиғланиш синдроми шаклланиши билан кечиши, цитолиз, холестаза ва фибринолиз жараёнларининг фаоллашуви, шунингдек цитокин профили дисбаланси (IL-2, IL-8, FGF-2 даражаларининг ошиши) билан тавсифланиши ва жигарда яллиғланиш-деструктив ўзгаришлардан фибротик ремоделяция ривожланиши исботланган;

дори воситаларига боғлиқ жигар ўткир зарарланишида ҳатто бир марталик токсик таъсир ҳам тизимли клиник-метаболик ва иммун жавоб ривожланиши билан кечиши, бу ҳолат эластография кўрсаткичларида ўртача ўзгаришлар ва психоэмоционал омилларнинг яққол иштироки билан намоён бўлиб, мазкур зарарланиш турини алкоголли генездан IL-22 прорегенатор цитокиннинг ишончли даражада кескин ошиши билан фарқланиши лаборатор асосланган;

илк бор токсик жигар зарарланишида касалликнинг номақбул кечиш хавфини эрта босқичда аниқлашда IL-8, IL-22, FGF-2, MCP-1 ва D-димер каби иммунологик маркерлар цитолиз, холестаза, коагулопатия ва жигар фиброзининг даражаси билан чамбарчас боғлиқлиги, ROC-таҳлил натижаларига кўра (AUC 0,8–0,9), улар анъанавий биокимёвий кўрсаткичларга нисбатан юқори прогностик аҳамиятга эга эканлиги исботланган;

жигарнинг токсик зарарланишларини клиник-анамнестик, лаборатор-инструментал ва иммунологик кўрсаткичлар интеграциясига асосланган дифференциал ташхислашнинг клиник-иммунологик мезонлари концепцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Жигарнинг токсик зарарланишлари билан оғриган беморларни комплекс текшириш стандартларига IL-8, IL-22, MCP-1, FGF-2 ва D-димер даражаларини аниқлашни жорий этиш асосланган, чунки улар яллиғланиш фаоллиги ва коагулопатияни акс эттирувчи юқори информатив иммунологик маркерлар ҳисобланади. Номатбул оқибат хавфини кўрсатувчи чегара қийматлар IL-8 > 2,5 пг/мл, IL-22 > 20 пг/мл, MCP-1 > 150 пг/мл, FGF-2 > 70 пг/мл, D-димер > 550 нг/мл эканлиги асосланган;

Алкоголли жигар зарарланиши бўлган беморларда FGF-2 даражасини фиброгенез ва фиброз прогрессияси кўрсаткичи сифатида назорат қилиш зарурлиги асосланган, ҳамда FGF-2 даражаси ошганда антифибротик воситаларни қўллаш ва гепатопротектор терапияни кучайтириш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

Дори воситаларидан жигар зарарланишида дезинтоксикацион терапиядан кейин госпитализациянинг 3-кунида IL-8 ва IL-22 даражаларини аниқлаш асосланган, бу эса яллиғланиш жараёнининг оғирлигини объектив баҳолаш ва асоратларни ўз вақтида прогноз қилиш, шунингдек ўткир жигар етишмовчилигини эрта ташхислаш аниқлигини ошириш имконини бериши асосланган;

Алкогол ва дори воситаларидан жигарнинг токсик зарарланишлари бўлган беморларда клинко-иммунологик мезонлар концепциясини жорий этиш, антицитокин таргет терапия ва психотерапияни қўллаш тавсия этилиши асосланган, мазкур ёндашув яллиғланиш маркерлари, психоэмоционал зўриқиш даражаси, биокимёвий кўрсаткичлар ва ROC-таҳлил натижалари ўртасидаги корреляцияга асосланиб, хавфни персонификацияланган тарзда стратификация қилиш ва асоратлар ривожланишини камайтириш имконини бериши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишларида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги; назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши; олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги; беморлар сонининг етарлилиги; клиник, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги; тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги; хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, жигарнинг токсик зарарланишларидаги иммунологик механизмлар аниқлаштирилди, IL-22, MCP-1 ва FGF-2 цитокинларининг яллиғланиш-фиброз

жараёнларидаги етакчи роли исботланди. IL-8, IL-22 ва D-димер маркерларининг юқори прогностик аҳамияти эрта асоратларни башорат қилишда намойиш этилди. IL-8 ва MCP-1 яллиғланиш даражаси билан психо-эмоционал зўриқиш ўртасидаги боғлиқлик аниқланди, бу эса жигарнинг токсик зарарланишларидаги нейроиммун патогенез ҳақидаги илмий тасаввурларни кенгайтирди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, жигарнинг токсик зарарланишларини дифференциал ташхислаш ва беморларни олиб бориш учун иммунологик йўналтирилган алгоритм ишлаб чиқилди. IL-8, IL-22, MCP-1, FGF-2 ва D-димер даражаларини клиник текширув стандартларига киритиш тавсия этилади. Аниқланган цитокинлар чегара қийматлари юқори хавф гуруҳини эрта аниқлаш ва терапия тактикасини тўғрилаш имконини беради. Ишлаб чиқилган алгоритм жигарнинг токсик зарарланишларида шахсийлаштирилган хавф баҳоси ва даво усулини оптималлаштириш воситаси сифатида амалиётга жорий этилди.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.

Имунологик яллиғланиш маркерларини ҳисобга олган ҳолда токсик жигар зарарланишларини комплекс баҳолаш ва дифференциал диагностикасида олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: Бухоро вилоятида 2022–2024 йиллар давомида токсикологик касалланиш кўрсаткичларининг ўсиши ва дори воситалари билан боғлиқ интоксикациялар улушининг ортиши фонида жигарнинг токсик зарарланишларининг комплекс клиник-ижтимоий модели шаклланган бўлиб, касалликда соматик ўзгаришлар билан бир қаторда аниқ ифодаланган руҳий-ижтимоий бузилишлар кечиши, ҳамда ушбу патология ҳудуд учун муҳим тиббий-ижтимоий муаммо эканлиги асосланган. Тадқиқот натижалари асосида «Имунологик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда токсик жигар зарарланишларининг асоратларини прогноз қилиш алгоритми» (Бухоро давлат тиббиёт институти Экспертлар кенгашининг 2025 йил 30 апрелдаги №25-м/106-сонли хулосаси билан тасдиқланган), «Ўткир захарланишлардан кейин токсик жигар зарарланишларини иммунологик диагностика қилиш усули» (Бухоро давлат тиббиёт институти Экспертлар кенгашининг 2025 йил 30 апрелдаги №25-м/108-сонли хулосаси билан тасдиқланган) тавсияномалари яратилган. Услубий тавсияномалар Қашқадарё филиали Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази (2025 йил 10 июндаги №85-И/Ч буйруғи), Самарқанд филиали Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази (2025 йил 6 июндаги №99-И/Ч буйруғи), Навоий филиали Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази (2025 йил 6 июндаги №83-И/Ч буйруғи) амалиётига тадбиқ этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техникавий кенгашнинг 2025 йил 7 июлдаги №21/84-сонли маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлик:* олинган натижалар даволаш самарадорлигини ошириш, шунингдек токсик жигар

зарарланишларидан ўлим ҳолатлари частотасини камайтириш имконини беради. Эрта диагностика ва прогнозлаш цирроз, жигар комаси ва летал тугаш каби оғир асоратларнинг олдини олишни таъминлайди. Бу аҳолида, айниқса меҳнатга лаёқатли ёшларда ногиронлик даражасининг камайишига ҳисса қўшади. Ишлаб чиқилган алгоритм хавф гуруҳларини ажратиш ҳамда салбий натижа эҳтимоли юқори бўлган беморларга эътиборни қаратиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлик:* Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Қашқадарё, Самарқанд ва Навоий филиалларида илмий натижаларни амалиётга жорий этиш, токсик жигар зарарланишлари бўлган беморларда диагностика ва даволаш тактикасини қўллаш клинко-иммунологик кўрсаткичларни аниқлаш ва диагностика маркерларидан фойдаланиш орқали бир беморга 1 140 000 сўм миқдоридида иқтисодий самарадорлик беради. *Хулоса:*алкоголли ва дори воситаларидан токсик жигар зарарланишлари бўлган беморларда учраш частотаси, тузилиши, биокимёвий, цитокин ва психо-социал кўрсаткичларни қамраб олган комплекс клинко-иммунологик тадқиқот ўтказилган.

Иккинчи илмий янгилик: алкоголли жигар ўткир зарарланиши тизимли клинко-биокимёвий ва иммун-яллиғланиш синдроми шаклланиши билан кечиши, цитолиз, холестаза ва фибринолиз жараёнларининг фаоллашуви, шунингдек цитокин профили дисбаланси (IL-2, IL-8, FGF-2 даражаларининг ошиши) билан тавсияланиши ва жигарда яллиғланиш-деструктив ўзгаришлардан фибротик ремоделяция ривожланиши исботланган. Тадқиқот натижалари асосида «Иммунологик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда токсик жигар зарарланишларининг асоратларини прогноз қилиш алгоритми» (Бухоро давлат тиббиёт институти Экспертлар кенгашининг 2025 йил 30 апрелдаги №25-м/106-сонли хулосаси билан тасдиқланган), «Ўткир заҳарланишлардан кейин токсик жигар зарарланишларини иммунологик диагностика қилиш усули» (Бухоро давлат тиббиёт институти Экспертлар кенгашининг 2025 йил 30 апрелдаги №25-м/108-сонли хулосаси билан тасдиқланган) тавсияномалари яратилган. Услубий тавсияномалар Қашқадарё филиали Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази (2025 йил 10 июндаги №85-И/Ч буйруғи), Самарқанд филиали Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази (2025 йил 6 июндаги №99-И/Ч буйруғи), Навоий филиали Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази (2025 йил 6 июндаги №83-И/Ч буйруғи) амалиётига тадбиқ этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техникавий кенгашнинг 2025 йил 7 июлдаги №21/84-сонли маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлик:* олинган натижалар даволаш самарадорлигини ошириш, шунингдек токсик жигар зарарланишларидан ўлим ҳолатлари частотасини камайтириш имконини беради. Эрта диагностика ва прогнозлаш цирроз, жигар комаси ва летал тугаш каби оғир асоратларнинг олдини олишни

таъминлайди. Бу аҳолида, айниқса меҳнатга лаёқатли ёшларда ногиронлик даражасининг камайишига ҳисса қўшади. Ишлаб чиқилган алгоритм хавф гуруҳларини ажратиш ҳамда салбий натижа эҳтимоли юқори бўлган беморларга эътиборни қаратиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлик:* Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Қашқадарё, Самарқанд ва Навоий филиалларида илмий натижаларни амалиётга жорий этиш, токсик жигар зарарланишлари бўлган беморларда диагностика ва даволаш тактикасини қўллаш клинко-иммунологик кўрсаткичларни аниқлаш ва диагностика маркерларидан фойдаланиш орқали бир беморга 1 140 000 сўм миқдориди иқтисодий самарадорлик беради. *Хулоса:* алкогольли жигар зарарланиши бўлган беморларда FGF-2 даражасини фиброгенез ва фиброз прогрессияси кўрсаткичи сифатида назорат қилиш зарурлиги асосланган, ҳамда FGF-2 даражаси ошганда антифибротик воситаларни қўллаш ва гепатопротектор терапияни кучайтириш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

учинчи илмий янгилик: дори воситаларига боғлиқ жигар ўткир зарарланишида ҳатто бир марталик токсик таъсир ҳам тизимли клиник-метаболик ва иммун жавоб ривожланиши билан кечиши, бу ҳолат эластография кўрсаткичларида ўртача ўзгаришлар ва психоэмоционал омилларнинг яққол иштироки билан намоён бўлиб, мазкур зарарланиш турини алкогольли генездан ИЛ-22 прорегенатор цитокинининг ишончли даражада кескин ошиши билан фарқланиши лаборатор асосланган. Тадқиқот натижалари асосида «Иммунологик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда токсик жигар зарарланишларининг асоратларини прогноз қилиш алгоритми» (Бухоро давлат тиббиёт институти Экспертлар кенгашининг 2025 йил 30 апрелдаги №25-м/106-сонли хулосаси билан тасдиқланган), «Ўткир заҳарланишлардан кейин токсик жигар зарарланишларини иммунологик диагностика қилиш усули» (Бухоро давлат тиббиёт институти Экспертлар кенгашининг 2025 йил 30 апрелдаги №25-м/108-сонли хулосаси билан тасдиқланган) тавсияномалари яратилган. Услубий тавсияномалар Қашқадарё филиали Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази (2025 йил 10 июндаги №85-И/Ч буйруғи), Самарқанд филиали Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази (2025 йил 6 июндаги №99-И/Ч буйруғи), Навоий филиали Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази (2025 йил 6 июндаги №83-И/Ч буйруғи) амалиётга тадбиқ этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техникавий кенгашнинг 2025 йил 7 июлдаги №21/84-сонли маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлик:* олинган натижалар даволаш самарадорлигини ошириш, шунингдек токсик жигар зарарланишларидан ўлим ҳолатлари частотасини камайтириш имконини беради. Эрта диагностика ва прогнозлаш цирроз, жигар комаси ва летал тугаш каби оғир асоратларнинг олдини олишни таъминлайди. Бу аҳолида, айниқса меҳнатга лаёқатли ёшларда

ногиронлик даражасининг камайишига ҳисса қўшади. Ишлаб чиқилган алгоритм хавф гуруҳларини ажратиш ҳамда салбий натижа эҳтимоли юқори бўлган беморларга эътиборни қаратиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлик:* Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Қашқадарё, Самарқанд ва Навоий филиалларида илмий натижаларни амалиётга жорий этиш, токсик жигар зарарланишлари бўлган беморларда диагностика ва даволаш тактикасини қўллаш клинко-иммунологик кўрсаткичларни аниқлаш ва диагностика маркерларидан фойдаланиш орқали бир беморга 1 140 000 сўм миқдорида иқтисодий самарадорлик беради. *Хулоса:* дори воситаларидан жигар зарарланишида дезинтоксикацион терапиядан кейин госпитализациянинг 3-кунида IL-8 ва IL-22 даражаларини аниқлаш асосланган, бу эса яллиғланиш жараёнининг оғирлигини объектив баҳолаш ва асоратларни ўз вақтида прогноз қилиш, шунингдек ўткир жигар етишмовчилигини эрта ташхислаш аниқлигини ошириш имконини бериши асосланган.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор токсик жигар зарарланишида касалликнинг номақбул кечиш хавфини эрта босқичда аниқлашда IL-8, IL-22, FGF-2, MCP-1 ва D-димер каби иммунологик маркерлар цитоллиз, холестаза, коагулопатия ва жигар фиброзининг даражаси билан чамбарчас боғлиқлиги, ROC-таҳлил натижаларига кўра (AUC 0,8–0,9), улар анъанавий биокимёвий кўрсаткичларга нисбатан юқори прогностик аҳамиятга эга эканлиги исботланган. Тадқиқот натижалари асосида «Иммунологик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда токсик жигар зарарланишларининг асоратларини прогноз қилиш алгоритми» (Бухоро давлат тиббиёт институти Экспертлар кенгашининг 2025 йил 30 апрелдаги №25-м/106-сонли хулосаси билан тасдиқланган), «Ўткир заҳарланишлардан кейин токсик жигар зарарланишларини иммунологик диагностика қилиш усули» (Бухоро давлат тиббиёт институти Экспертлар кенгашининг 2025 йил 30 апрелдаги №25-м/108-сонли хулосаси билан тасдиқланган) тавсияномалари яратилган. Услубий тавсияномалар Қашқадарё филиали Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази (2025 йил 10 июндаги №85-И/Ч буйруғи), Самарқанд филиали Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази (2025 йил 6 июндаги №99-И/Ч буйруғи), Навоий филиали Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази (2025 йил 6 июндаги №83-И/Ч буйруғи) амалиётига тадбиқ этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техникавий кенгашнинг 2025 йил 7 июлдаги №21/84-сонли маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлик:* олинган натижалар даволаш самарадорлигини ошириш, шунингдек токсик жигар зарарланишларидан ўлим ҳолатлари частотасини камайтириш имконини беради. Эрта диагностика ва прогнозлаш цирроз, жигар комаси ва летал тугаш каби оғир асоратларнинг олдини олишни таъминлайди. Бу аҳолида, айниқса меҳнатга лаёқатли ёшларда ногиронлик даражасининг камайишига ҳисса қўшади. Ишлаб

чиқилган алгоритм хавф гуруҳларини ажратиш ҳамда салбий натижа эҳтимоли юқори бўлган беморларга эътиборни қаратиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлик:* Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Қашқадарё, Самарқанд ва Навоий филиалларида илмий натижаларни амалиётга жорий этиш, токсик жигар зарарланишлари бўлган беморларда диагностика ва даволаш тактикасини қўллаш клинко-иммунологик кўрсаткичларни аниқлаш ва диагностика маркерларидан фойдаланиш орқали бир беморга 1 140 000 сўм миқдорида иқтисодий самарадорлик беради. *Хулоса:* жигарнинг токсик зарарланишлари билан оғриган беморларни комплекс текшириш стандартларига IL-8, IL-22, MCP-1, FGF-2 ва D-димер даражаларини аниқлашни жорий этиш асосланган, чунки улар яллиғланиш фаоллиги ва коагулопатияни акс эттирувчи юқори информатив иммунологик маркерлар ҳисобланади. Номақбул оқибат хавфини кўрсатувчи чегара қийматлар IL-8 > 2,5 пг/мл, IL-22 > 20 пг/мл, MCP-1 > 150 пг/мл, FGF-2 > 70 пг/мл, D-димер > 550 нг/мл эканлиги асосланган.

бешинчи илмий янгилик: илк бор жигарнинг токсик зарарланишларини клиник-анамнестик, лаборатор-инструментал ва иммунологик кўрсаткичлар интеграциясига асосланган дифференциал ташхислашнинг клинко-иммунологик мезонлари концепцияси ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижалари асосида «Иммунологик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда токсик жигар зарарланишларининг асоратларини прогноз қилиш алгоритми» (Бухоро давлат тиббиёт институти Экспертлар кенгашининг 2025 йил 30 апрелдаги №25-м/106-сонли хулосаси билан тасдиқланган), «Ўткир заҳарланишлардан кейин токсик жигар зарарланишларини иммунологик диагностика қилиш усули» (Бухоро давлат тиббиёт институти Экспертлар кенгашининг 2025 йил 30 апрелдаги №25-м/108-сонли хулосаси билан тасдиқланган) тавсияномалари яратилган. Услубий тавсияномалар Қашқадарё филиали Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази (2025 йил 10 июндаги №85-И/Ч буйруғи), Самарқанд филиали Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази (2025 йил 6 июндаги №99-И/Ч буйруғи), Навоий филиали Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази (2025 йил 6 июндаги №83-И/Ч буйруғи) амалиётга тадбиқ этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техникавий кенгашнинг 2025 йил 7 июлдаги №21/84-сонли маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлик:* олинган натижалар даволаш самарадорлигини ошириш, шунингдек токсик жигар зарарланишларидан ўлим ҳолатлари частотасини камайтириш имконини беради. Эрта диагностика ва прогнозлаш цирроз, жигар комаси ва летал тугаш каби оғир асоратларнинг олдини олишни таъминлайди. Бу аҳолида, айниқса меҳнатга лаёқатли ёшларда ногиронлик даражасининг камайишига ҳисса қўшади. Ишлаб чиқилган алгоритм хавф гуруҳларини ажратиш ҳамда салбий натижа

эҳтимоли юқори бўлган беморларга эътиборни қаратиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлик*: Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Қашқадарё, Самарқанд ва Навоий филиалларида илмий натижаларни амалиётга жорий этиш, токсик жигар зарарланишлари бўлган беморларда диагностика ва даволаш тактикасини қўллаш клинко-иммунологик кўрсаткичларни аниқлаш ва диагностика маркерларидан фойдаланиш орқали бир беморга 1 140 000 сўм миқдорида иқтисодий самарадорлик беради. *Хулоса*: алкоголь ва дори воситаларидан жигарнинг токсик зарарланишлари бўлган беморларда клинко-иммунологик мезонлар концепциясини жорий этиш, антицитокин таргет терапия ва психотерапияни қўллаш тавсия этилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 6 та, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олтита боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 170 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари таърифланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш тизимининг амалиётига тадбиқ қилиш бўйича, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “Адабиётлар таҳлили. Жигарнинг токсик зарарланишлари. Жигар касалликларининг этиопатогенетик механизмлари” деб номланган биринчи бобида замонавий маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили, шу жумладан жигарнинг дори-дармонли шикастланиши, ўткир интоксикациянинг умумий патогенетик механизмлар тўғрисида янги маълумотлар келтирилган. Алкоголли жигар зарарланишларини ўрганишнинг замонавий иммунологик жиҳатлари таҳлил қилинган, токсик жигар

зарарланишларини дифференциал ташхислашда иммун яллиғланиш маркерларининг аҳамияти ва жигар етишмовчилиги прогнози тасвирланган. Кейинги тадқиқотларни талаб қиладиган мунозарали масалалар келтирилган.

Диссертациянинг **“Токсик жигар зарарланишларининг клиник материали ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи берилган ва махсус тадқиқот усуллари таърифланган. Ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ, тадқиқотга 142 нафар 19 ёшдан 44 ёшгача бўлган, токсик жигар зарарланиши ташхиси умумклиник ва лаборатор-инструментал усуллар билан тасдиқланган беморлар, шулардан 1-гурухни 70 нафар алкоғолли жигар зарарланиши ва 2-гурухни 72 нафар дори-дармонли жигар зарарланиши билан касалланган беморлар ташкил этган, 40 нафар профилактик тиббий кўриқдан ўтган амалий соғлом, жигар касалликлари бўлмаган шахслар назорат гуруҳига киритилган, ўртача ёш кўрсаткичи $32,4 \pm 1,07$ ёшни ташкил этган. Тадқиқот гуруҳларида беморлар ёши, жинси ва хавф омиллари бўйича репрезентатив бўлиб, ўзаро таққосланган.

Тадқиқот Хелсинки декларациясига мувофиқ амалга оширилган.

Барча беморларда зарур инструментал текширувлар: жигар УТТ ва жигар қон томирлари доплерографияси (Mindray DC-N^o6 аппаратида рангли доплерографик усулда) ЭКГ (ЭК1Т-03М2 аппаратида), жигар эластографияси (Aixplorer V6 Фиброскан аппаратида), қоннинг биокимёвий таҳлили ва липидограмма (Mindray BS 240 автоматик анализаторида), коагулограмма (MD-560i автоматик коагулометрида), қон зардобидида цитокинлар IL-2, IL-8 иммунофермент таҳлил (ИФТ) усулида «Цитокин» (Санкт-Петербург, РФ) тест тўпламлари билан, FGF-23 ва CXCL10 / IP-10 иммунохемилюминесцент таҳлил (ИХЛТ) усулида (Siemens ADVIA Centaur аппаратида) аниқланган.

Беморларнинг жинси бўйича тақсимланиши 1-гурухда алкоғол билан боғлиқ токсик жигар зарарланишида (АЖЗ) 69 (98,6%) эркаклар устунлигини кўрсатган бўлиб, 2-гурухда дори воситалари билан жигар шикастланишида (ДЖЗ) асосан 63 (87,5%) аёллар ташкил этган. Беморларни яшаш жойлари бўйича тақсимлашда иккала тадқиқот гуруҳида ҳам Бухоро шаҳрида доимий яшовчи беморлар 48 (68,6%) кузатилган.


Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Microsoft Office Excel дастурлар ва SPSS (Statistica 12.0) тўплами, шу жумладан статистик ишлаш учун ички ўрнатилган функциялар ёрдамида Windows 10 шахсий компьютерида статистик ишланган. Олинган натижаларни статистик таҳлил қилиш вариацион статистика усулларида фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Ўртача фарқларнинг ишончилиги Стьюдент мезони (t) асосида тақсимотнинг нормаллигини ва умумий дисперсияларнинг тенглигини текширишда

хато эҳтимолини (P) ва (F Фишер мезони), корреляцион таҳлил Пирсон усули (r) ёрдамида амалга оширилган ва Чеддок шкаласи (2015) бўйича баҳоланган.

Диссертациянинг «Жигарнинг токсик зарарланишларининг частотаси, клиник ва руҳий-ижтимоий жиҳатлари» деб номланган учинчи бобида ретроспектив таҳлил, клиник кўрсаткичлар ва беморларнинг руҳий-ижтимоий ҳолати бўйича кўрсаткичлари келтирилган. 2022–2024 йиллар давридаги маълумотлар Бухоро филиали Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЁИМ) статистик базаси асосида тақдим этилган. Бухоро филиали РШТЁИМ вилоятдаги ягона токсикология бўлимига эга бўлгани сабабли, унинг статистик маълумотлари бутун минтақа бўйича токсикологик касалликлар тузилмасини тўлиқ акс эттиради.

2022–2024 йиллар динамикасини таҳлил қилиш токсикологик мурожаатлар ва госпитализациялар сонининг ортиб бориш тенденциясини кўрсатди, бу эса минтақада токсикологик ҳолатлар тез-тез учраб бораётганини англатади. Жумладан, 2022 йилда Бухоро филиали токсикология бўлимига 987 нафар бемор ётқизилган бўлса, 2023 йилда 1123 нафар, 2024 йилга келиб эса бу кўрсаткич 1285 ҳолатга етган, бу уч йил давомида 30,2% ўсиш тенденциясини кўрсатган. Шу билан бирга, аҳоли сони ҳам ўртача ўсиш динамикасига эга бўлган: 2022 йилда 1976,8 минг нафар, 2024 йилда эса 2050,6 минг нафар (яъни 3,7% ўсиш). Аҳоли ўсиши нисбатан кам бўлишига қарамай, 100 000 аҳолига тўғри келадиган токсикологик касалланиш интенсив кўрсаткичи 49,9 дан (2022) 62,7 гача (2024) кўтарилган, бу эса 25,7% ошиш ҳисобига тўғри келади.

2024 йил маълумотлари бўйича токсикологик ҳолатлар тузилмасини таҳлил қилар эканмиз, Бухоро филиали РШТЁИМ токсикология бўлимига ётқизилган 1285 нафар беморнинг заҳарланиш турлари бўйича тақсимооти қуйидагича (1-расм).



1-расм. Токсикологик касалликлар бўйича беморларнинг тақсимланиши

Дори воситаларига алергик реакциялар 546 ҳолат (42,5%), бу эса гиперсезгирлик билан боғлиқ медикаментоз асоратларнинг юқори улушини кўрсатган. Иккинчи ўринда озиқ-овқат, кимёвий ва маиший аллергенларга алергик реакциялар 191 ҳолат (14,9%), дори воситалари билан боғлиқ токсик жигар зарарланишлари 189 ҳолат (14,7%), этиологияси аниқланмаган заҳарланишлар 148 ҳолат (11,5%), алкогольли заҳарланишлар 118 ҳолат (9,2%), ис гази (СО) билан заҳарланишлар 40 ҳолат (3,1%) ташкил этган. Кам учрайдиган ҳолатларга озиқ-овқат заҳарланишлари 38 ҳолат (3,0%), маиший ва саноат кимёвий моддалари билан заҳарланишлар 14 ҳолат (1,1%), пестицидлар ёки заҳарли моддалар билан заҳарланиш 1 ҳолат қайд этилган (1-расм).

Шундай қилиб, 1-расмда 2024 йилдаги токсикологик госпитализациялар структурасида асосий улушни дори воситалари билан боғлиқ заҳарланишлар ва медикаментоз алергик реакциялар ташкил этишини кўрсатган бўлиб, иккала гуруҳнинг улуши жами ҳолатларнинг 70% дан ортиғини ташкил этган. 2022–2023 йиллар билан солиштирилганда, токсикологик касалланиш структураси дори воситалари билан боғлиқ заҳарланишлар ва медикаментоз алергик реакциялар улушининг ортиши томон ўзгаргани қайд этилган. Агар 2022 йилда дори билан боғлиқ жигар зарарланишлари ва алергик ҳолатлар умумий госпитализацияларнинг 62,1% ни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 72,1% га етган.

Тадқиқотимизда 1-асосий гуруҳни ёш беморлардан иборат (ўртача ёш $41,7 \pm 0,39$ йил) 70 нафар алкогольли токсик жигар зарарланиши (АЖЗ), ўткир алкогольли гепатит билан касалланган беморлар ташкил этган. 70 нафар беморда алкоголь билан боғлиқ токсик жигар зарарланишларининг асосий клиник симптомлари частотасини таҳлил қилишда, деярли барча умумий ва жигарга хос белгилар соғлом назорат гуруҳига нисбатан юқори эканлиги аниқланган.

АЖЗ бўлган беморларнинг энг кўп учрайдиган шикоятлари умумий ҳолсизлик ва тез чарчаш – 88,6%, меҳнат қобилиятининг пасайиши – 85,7%, ўнг қовурға остида оғирлик ҳиси – 81,4%, оғриқ – 77,1%, иштаханнинг пасайиши – 82,9%, уйқу бузилишлари – 72,9%. Диспептик белгилар беморларнинг 65,7% да учраган, назорат гуруҳида эса бу каби шикоятлар фақат 7,5% да кузатилган. АЖЗга хос белгилари тремор (60,0%), палмар эритема (40,0%), телеангиэктазиялар (37,1%) назорат гуруҳида умуман учрамаган, бу эса уларнинг диагностик аҳамияти катта эканини кўрсатган. Сариқлик беморларнинг деярли ярмида қайд этилган ва назорат гуруҳида кузатилмаган. Даярли барча АЖЗ беморларида жигар зарароанишининг объектив белгилари – гепатомегалия (84,3%) ва палпацияда оғриқ (75,7%) аниқланган, назорат гуруҳида эса бу

белгилар кузатилмаган.

Беморларнинг 55,7% алкоголь қабули давомийлиги 5–8 йил бўлиб, бу алкоголизм симптомларининг пик даврига тўғри келади. Қисқа муддат (1–4 йил) қабул қилганларда AUDIT бўйича ўртача балл энг юқори ($30,8 \pm 2,5$) бўлган, бу қисқа вақт ичида интенсив ва хавфли истеъмолни англатиши мумкин. 9 йил ва ундан кўп стажга эга беморларда балл пастроқ бўлган, эҳтимол, толерантликнинг ортиши билан боғлиқ. 92,9% беморда юқори хавфли ва шаклланган алкогольга тобелик аниқланган.

Иккинчи гуруҳни дори воситаларидан жигар зарарланиши (ДЖЗ) бўлган 72 нафар ёш бемор (ўртача ёш $26,3 \pm 0,82$ йил) ташкил этган. Улар Бухоро филиали РШТЎИМ токсикология бўлимига ностероид яллиғланишга қарши воситалар билан ўз жонига қасд қилиш мақсадида ўткир заҳарланиш (Т39.3, Х60) ташхиси билан ётқизилган. 43,1% беморда тери аллергик реакциялари (тошма, крапивница) қайд этилган, бу ДЖЗнинг иммун-аллергик механизмларини тасдиқлайди ва дифференциал диагностик белгилари сифатида муҳим ҳисобланади. Иситма (36,1%), артралгия (29,2%) ва лимфаденопатия (11,1%) ҳам ДЖЗ гуруҳида назоратга нисбатан сезиларли юқори учраган. Ўнг қовурға остида оғриқ ёки оғирлик 68,1% беморда кузатилган, гепатомегалия – 72,2% беморда қайд этилган.

ДЖЗ ривожланган беморларда суицидал хатарни баҳолаш учун Бек шкаласи (BSI) қўлланилган. Саволнома госпитализациядан 24–48 соат ўтгач, беморнинг онги равшан ва танқидий фикр нормал бўлган ҳолатда ўтказилган. Натижалар қуйидаги тарзда бўлган ўртача даражадаги суицидал мойиллик (11–20 балл) – 40,3%, юқори хавф (>20 балл) – 23,6%, минимал/енгил тенденциялар (0–10 балл) – 36,1%. ДЖЗ бўлган беморларда кучли рухий бузилишлар, юқори даражадаги хавотир, депрессия, ҳаёт сифати ва ижтимоий функциянинг пасайиши аниқланган.

Диссертациянинг «Алкогол генезли токсик жигар зарарланишларида клиник, биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар» деб номланган тўртинчи бобида алкоголь билан боғлиқ токсик жигар зарарланишларида биокимёвий, инструментал текширув натижалари, шунингдек, беморлар сийдик қонидаги цитокинлар даражасини таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

Бизнинг тадқиқотимизда АЖЗ бўлган беморларда клиник кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан ишончли даражада фарқ қилгани аниқланган ($p < 0,05$). Систолик ва диастолик артериал босим ўртача мос равишда $127,6 \pm 1,21$ мм с. у. ва $82,6 \pm 0,76$ мм с. у. ни ташкил этган, бу эса назорат гуруҳи кўрсаткичларидан ($121,1 \pm 0,58$ ва $75,3 \pm 0,53$ мм с. у.; $p < 0,05$) ишончли юқори бўлган. АЖЗ гуруҳида нафас олиш сони $20,9 \pm 0,10$ /дақиқа, юрак уриши частотаси $82,0 \pm 0,32$ /дақиқа бўлиб, назорат гуруҳига нисбатан ($16,0 \pm 0,23$ ва $70,9 \pm 0,50$ /дақиқа; $p < 0,05$) ишончли даражада юқори эканлиги

аниқланган.

Жигар УТТ шуни кўрсатдики, АЖЗ бўлган беморларда жигар ўлчамлари сезиларли даражада катта ($150,3 \pm 2,1$ мм) бўлиб, назорат гуруҳи билан солиштирганда ($130,2 \pm 1,2$ мм) ишончли даражада ошган. Жигар эхогенлиги АЖЗ гуруҳида $2,8 \pm 0,1$ балл, назорат гуруҳида $- 2,2 \pm 0,1$ балл, бу АЖЗ стеатоз ва паренхима ўзгаришларини тасдиқлайди. Жигар контурлари ва паренхима структурасидаги бузилишлар АЖЗ гуруҳида кўпроқ намоён бўлган, портал гипертензия белгилари эса айниқса кўп учраган.

1-жадвал.

Алкоголдан жигар зарарланишида цитоллиз кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар (ХБ)	АЖЗ (n=70)	Назорат гуруҳи (n=40)	p
ГГТ	$173,8 \pm 4,6$	$21,3 \pm 0,9$	$<0,001$
АЛТ	$96,7 \pm 2,1$	$24,1 \pm 0,8$	$<0,001$
АСТ	$87,5 \pm 1,9$	$23,7 \pm 0,7$	$<0,001$

АЖЗ бўлган беморларда ферментатив ўзгаришлар жуда юқори даражада эканлиги аниқланган бўлиб, ГГТ назоратга нисбатан 8 баравар юқори бўлган. Бу холестаза ва микросомал ферментлар индукциясини кўрсатади. АЛТ ва АСТ даражаси 4 марта ошган, бу актив цитоллиз ва паренхимал деструкцияни акс эттиради. АСТ/АЛТ коэффициенти 0,9–1,1 атрофида бўлиб, алкогольли гепатитга хос белги сифатида митохондриял цитоллизни кўрсатган (1-жадвал).

Эластография (FibroScan) натижалари паренхима зичлиги АЖЗ гуруҳида $- 9,3 \pm 0,24$ кПа, назоратда $- 4,8 \pm 0,12$ кПа ($p < 0,001$) кўрсатган. Бу фибротик ўзгаришларининг шаклланишини кўрсатади. Стеатоз параметри (LiSA) $303,9 \pm 1,97$ дБ/м, назорат гуруҳида эса $204,5 \pm 2,4$ дБ/м ($p < 0,001$) бўлган. Бу жигардаги ёғ инфильтрациясининг юқорилигини билидиради.

Зичлик ва стеатоз орасида ўрта кучли мусбат боғлиқлик: $r = 0,61$; $p < 0,001$ аниқланган бўлиб, бу фиброз ва липид инфильтрациясининг биргаликда прогрессиясини кўрсатади.

АЖЗда коагулограмма тахлилида D-димернинг сезиларли ошиши фибринолизнинг фаоллашувини, томир ичида ивишнинг кучайган хавфини ва микротромбоз ривожланишини кўрсатган, тромбоцитлар сони касайиши ($122 \pm 5,6 \times 10^9/л$ ва $265 \pm 7,8 \times 10^9/л$, $p < 0,001$) билан биргаликда куўатилган. Бу гиперспленизм, алкогольнинг кўмикка токсик таъсири ва портал системада тромбоцит деструкцияси билан боғлиқ. ПТИ пастлиги ($57,3 \pm 1,8\%$ ва $99,4 \pm 1,5\%$) жигарнинг синтетик функцияси жиддий бузилганини англатади.

Лейкоцитар формуладаги ўзгаришлар АЖЗда лейкоцитоз $- 8,6 \pm 0,2 \times 10^9/л$ (назорат гуруҳида $5,9 \pm 0,1$), таёқча ядроли нейтрофиллар $7,6\%$ (назоратда $2,9\%$), сегмент ядроли нейтрофиллар $69,3\%$ (назорат гуруҳида $59,4\%$) бўлган. Бу лейкоформуланинг чапга силжиши, яллиғланиш ва тўқима деструкциясининг аниқ белгиси ҳисобланади.


Цитокин профилини баҳолаш мақсадида АЖЗ бўлган беморларнинг қон зардобида ИЛ-2, ИЛ-8, ИЛ-22, FGF-2 ва MCP-1 даражалари ўрганилган. Таҳлил учун материал беморлар токсикология булимига қабул қилинганидан 72 соат ўтгач, дезинтоксикация тадбирлари ва умумий ҳолатни барқарорлаштиришдан кейин олинган.

